

**ЭКОКОСМЕТИК ВАННА УЧУН ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ЙИГМА  
ТАРКИБИДАГИ ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАР НИСБАТИНИИ  
АНИҚЛАШ**

**Абдужалирова М.М., Назарова З.А.**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси  
e-mail: [agentsunnat@mail.ru](mailto:agentsunnat@mail.ru)  
тел: +998997987657

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1670-сонли қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича доривор ўсимликлар композициясидан замонавий сувли ажратмалар олиш, уни сифат меъёрларини белгилаш, таркибини танлаш каби илмий изланишлар катта ахамиятга эга.

Бугунги кунда доривор ўсимликларни қўллаш долзарблиги ошиб бормоқда, маълумки, доривор препаратларнинг 1/3 қисми доривор ўсимликлардан олинади. Айниқса илгор технологияларни тадбиқ этилиши соғ қўринишда ажратиб олинган моддалардан янги дори воситаларининг сони ошиб бормоқда. Доривор ўсимликларни кенг қўлланишининг долзарблиги шундаки, охирги йилларда “дорилар касаллиги” пайдо бўлиши. Жаҳон соғлиқни сақлаш бошқармасини маълумотига кўра 5% гача беморлар дориларнинг ножӯя таъсиридан жароҳатланганлар. Агар доривор ўсимликлар билан синтетик дорилар рационал қўшилиб беморга берилса унда терапевтик имконлари кенгайиши аниқ бўлади.

Доривор ўсимликларни бир мунча касалликларда ишлатилиши бирламчи касаллик олдини олиш (профилактика) бўйича мақсадга мувофиқдир. Чунки доривор ўсимликларни афзаллиги, улар кам токсик, узоқ давомли ножӯя таъсирсиз ишлатиш мумкинлиги билан тушинтирилади.

**Ишнинг мақсади:** экокосметик ванна учун маҳаллий хомашёлардан йигма таркибидаги ўсимлик хомашёлар нисбатини танлаш ва унинг сувли ажратмасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Метод ва материаллар.** Объект сифатида тинчлантирувчи доривор ўсимликлар композицияларидан қўйидаги таркиб танлаб олинди: иттиканак ер устки қисми, тоғрайҳон ер устки қисми, тирноқгул гули ва валериана илдизпояси билан илдизи. Ушбу композицияларни тузишда асосан Ўзбекистон давлат реестрига киритилган доривор ўсимликлар ишлатилди. Йигманинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан намлиги, экстрактив моддалар микдори аниқланган, чунки улардан ишлатиш учун дамламалар тайёрланади. Йигмадаги ёт моддалар сифатида – ўсимлик майда фракцияси, чангি, умумий кул микдори, 10% HCl эритмасида эримайдиган кул микдори, шунингдек органик ва минерал ёт моддалар аниқланган [2]

Сувли ажратмалар (дамлама ва қайнатма) лар учун XI ДФ да муҳим бўлган талаблар – бу ўсимлик хомашёсининг майдалик даражаси, доривор ўсимлик хомашёси ва экстрагентнинг нисбати, сув шимиш коэффициенти, дамлаш ёки қайнатиш ва совитиш вақтининг давомийлиги, сузилгандан сўнг ажратманинг умумий ҳажми ва бошқалар.

**Натижалар.** З хил йиғма композициялар ҳар хил нисбатда олинди. Улар кетма-кетликда: иттиканак, тоғрайхон, тирнокгул ва валериана (2:1:1:0,5); (1:1:1:1) ва (3:1:1:1). МТХ ларда келтирилган йиғма технологияси асосида майдаланган ўсимлик хомашёлардан композициялар тайёрланди. Уларнинг экстрактив моддаларини X ДФ сида келтирилган усулда аниқланди. Олинган натижалар қуидагича I-III композицияларда:

I – 13%

II – 13,5%

III – 12,5%

**Хулоса.** Демак, кейинги тадқиқот ишларимизда ўсимлик хомашёлар нисбати иттиканак, тоғрайхон, тирнокгул ва валериана 1:1:1:1 олинди. Ишнинг кейинги босқичида йиғмадан дамлама XI ДФ да келтирилган усулда тайёрланди.

### **Адабиётлар**

1. Справочник по лекарственным растениям /Соколов С.Я., Замотаев И.П. – М.: Медицина, 1984. – 404с.
  2. Назарова З.А., Абдувалирова М.М. Технология сбора на основе лекарственного растительного сырья для экокосметической ванны // Матер. международной научно-практ.конф. “Современная фармация: новые подходы в образовании и актуальные исследования”, приуроченной к 30-летию независимости Республики Казахстан. Нур-Султан, 2021. – с.29-30.
  3. Федосов А.И., Кисличенко В.С. Разработка состава, технологии и фитохимическое исследование желудочного сбора // Матер. Респ. научно-практ.конф.(с международным участием), Ташкент, 2014. – с.236-238.
- ДФ XI, 2- қисм, М.: Медицина, 1989. – 395 б.